

ХАН ЁН УН ШЕЪРИЯТИГА ТАГОР ШЕЪРИЯТИ ҒОЯЛАРИ ТАЪСИРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7393923>

Сайдазимова Умида Турахановна
Филология фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат шарқшунослик университети,
Тошкент, Ўзбекистон
Тел: +998909492115
Email: umidsayd75@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Замонавий корейс шеърияти, адабий оламида ўз дунёқараши, фикрлаши билан ажралиб турган Хан Ён Ун XX аср боши эврилишлар даврида, мураккаб ижтимоий муҳитда ижод қилган шоирлардан бири саналади. Маданиятлар қўшилиши, ташқи кучлар сабаб вужудга келган янги корейс назми – бир томондан қадимги ва мумтоз давр адабиётидан мутлақо фарқ қилувчи, иккинчи томондан миллий анъаналар, янги гоялар ва эстетик концепциялардан таъсирланган умумлашма характерга эга ҳодисадир. Бу давр шеърияти япон, рус ва Европа адабиёти билан танишувдан таъсирланди, гарб санъати ва маданияти таърибасини ўзлаштирди. «Янги назм»да ўтиш даврига хос жанр услубларининг ранг-баранглиги, янги бадиий услубларни ўзлаштириши, шеъриятда мазмун ва шакл ўзгариши кузатилди.

Корейс романтизми реализм ва символизм билан бир қаторда параллел шаклланди, тараққиёт йўлига кирди. Шоирлар янги оқимларга қўшилиб, умум эстетик қарашлар шаклланишида алоҳида рол ўйнадилар. Эстетик шакл бадиий шакл кўринишида намоён бўлди. «Янги шаклдаги шеър» эркин шеър – чаюси, насрий шеър – санмуниши ривожини эвазига анъанавий жанр – сижо, касалар иккинчи планга ўтиши кузатилди.

Хан Ён Ун шеъриятида ҳинд мутафаккири, шоири Тагор шеърияти гоялари таъсири кўзга ташиланади. Шоир шеърлари сентиментал ҳис-туйғулар ва фалсафий умумлашмаларга бой, шу билан бирга романтик поэзия доирасидан четга чиқмайди. Шоир шеърияти ўзининг лирик чекинмалари, буддизм оҳанглари, янги рамзлари билан давр ижод аҳли шеъриятдан

ажралиб турди. Бунга шоирнинг бир томондан роҳиблик рутбаси кийганлиги, иккинчи томондан Тагор шеърияти билан танишувб таъсир кўрсатди.

Калит сўзлар: Хан Ён Ун, Тагор, шеърият, янги шакл, янги мазмун, бодхисатва, роҳиб, буддизм.

ANNOTATION

Han Yeon Un, who stands out in the world of modern Korean poetry and literature with his worldview and thinking, is considered one of the poets who created in the complex social environment in the early 20th century. The fusion of cultures and the emergence of new Korean poetry caused by external forces is a generalized phenomenon, on the one hand, completely different from the literature of the ancient and classical period, and on the other hand, influenced by national traditions, new ideas and aesthetic concepts. The poetry of this period was influenced by acquaintance with Japanese, Russian and European literature, absorbed the experience of Western art and culture. In “New poetry” there was a variety of genre styles typical of the transitional period, the adoption of new artistic styles, and a change in content and form in poetry. Along with realism and symbolism, Korean romanticism was formed in parallel and entered the path of development. Poets joined new trends and played a special role in the formation of general aesthetic views. The aesthetic form appeared in the form of an artistic form. In exchange for the development of "new form of poetry" free verse - chayusi, prose poem - sanmunshi, it was observed that the traditional genre - sijo, kasalar - went into the background.

Khan Yon Un's poetry is influenced by the ideas of Tagore, an Indian thinker and poet. Poems of the poet are rich in sentimental feelings and philosophical generalizations, and at the same time do not deviate from the scope of romantic poetry. The poet's poetry was distinguished from the poetry of the creative people of the time with its lyrical digressions, Buddhist melodies, and new symbols. This was influenced on the one hand by the fact that the poet wore the rank of a monk, and on the other hand by his acquaintance with Tagore's poetry.

Key words: Han Yon Un, Tagore, poetry, new form, new content, bodhisattva, monk, Buddhism.

XX асрнинг биринчи ярми Корея яриморали учун кескин ўзгаришлар, эврилишлар даври бўлгани тарихдан маълум. Япон мустамлакачилик сиёсати натижасида қабул қилинган янги ижтимоий-сиёсий қонун-қоидалар, халқнинг маданий-ижтимоий кундалик ҳаёти, миллий руҳи, орзу-умидлари билан инсон

ҳақ-ҳуқуқлари ўртасида юзага келган «номутаносиблик» замонавий корейс шеърлятида нафақат романтизм тараққиётини белгилади, балки ижод аҳлининг истибдодга қарши ўзига хос исёни тарзида янгради.

XX асрнинг 20-йилларида Чо Мёнхи, Ли Сан, Хан Ён Ун ва шу каби қатор шоирлар ижоди халқ орасида кенг ёйилди. Бу шоирлар ижоди замондош шоирлар ижодидан ўзида романтизм руҳини акс эттириши билан ажралиб турди.

«Санъат инқилоби»нинг шаклланиши ва тараққиётининг бошланиши «Ғарб адабиёти ва санъати хабарномаси» саҳифаларида чоп этилган асарлар, замонавий руҳда ёзилган қатор шоирлар шеърляти (Ли Иля, Хван Со Ку, Ку Сон Сон, Пак Ту Жин, Ли Сон Те), француз символизмига бағишланган «Поэтик дунё» мақола (Ким Ок, Хван Со Ку ва бошқ.), аср боши даврий нашрлари «Давр боши», «Харобалар», «Оқ тўлқин» декадент адабиёти журналларида нашр этилган модернистик йўналишида ёзилган асарларнинг ижод аҳли томонидан кенг оммалаштирилиши билан узвий боғлиқ. (М. Солдатова, М. В. Глушенко, Л. В. Галькин, Г. А. Амонова ва бошқ.).

Шу билан бирга мазкур давр адабий жараёнларида юз берган янгиликлар китобхонларни жаҳон адабиётининг энг сара асарлари, француз символизми асосчилари Пол Верлен, Ш. Бодлер, С. Малларме каби шоирлар ижоди билан яқиндан таниниш имкониятини берди. Бу эса ўз навбатида Со Жон Жу, Ю Жи Хван, Чо Жин Ён, Ким Гван Гюн каби корейс шоирлари шеърлятида модернизм куртаклари пайдо бўлишига етарлича таъсир кўрсатди. Шу ўринда А Блокнинг «Символизм адабиётдаги бошқа йўналишлардан кўра кўпроқ романтизм билан узвий боғлиқдир» деган фикрлари ўз тасдиғини топди. Бу шоирлар яратган шеърлятда ёлғизлик, узлатга чекиниш, «бой берилган фурсатлар» ҳақида қайғуриш, «душман оёғи остида қолган далалар»га қайтиш орзуси ўз ифодасини топди.

Ҳаётдан нолиш, фонийлик, бебақоликнинг фожеали ҳисси, чорасизлик, ёлғизлик, эътиқоднинг маънавий қудратини рамзий ифода этиш мазкур давр шоирлари хусусиятини белгилади. Рамзларнинг умумлаштирувчи табита, кўпмаъноли «бадий таассуротнинг кенгайиши» ўз аксини топган замонавий корейс шеърляти символизмнинг юксак тараққиётидан далолат берди.

Рус олимлари Г. Аманова, А. Жовтис ҳамда Т.Ниларнинг замонавий корейс назми бўйича илмий тадқиқотлар ишлари корейс шеърлятининг миллий, мумтоз шеърлят анъаналари, учта диний-фалсафий таълимот, юксак маънавият, ватанпарварлик ва бошқа хусусиятлардан йироқ бўлмаганлигига ишора қилади.

Шеърлари миллийликка йўғрилган Ким Совол, Пак Пхарян, Ли Сан Хва, Лим Хва, Лю Ванхи, Ли Чон Гу, Ю Жи Хван, Чо Жу Вонлар ижодида янги мотивлар романтизмнинг тараққий этиши, Ғарб ва рус модернистик эстетикасининг ўзлаштирилиши, пролетар шоирларнинг воқеликни ҳаққоний акс эттиришидаги янги тамойиллари билан қоришиб кетди.

Мана шундай шоирлардан бири Хан Ён Ун хитой адабиёти билан бир қаторда Европа шеърятини ҳам чуқур ўзлаштирди. Шоир шеърят билан бирга буддизм фалсафасини ҳам мукамал ўрганди. Натижада шоир ижодида Европа шеърятини ва корейс миллий шеърятини анъаналари ўзига хос уйғунлашди, шеърларида буддизм фалсафаси оҳанглари жаранглади.

Шоир шеърятинида бир томондан буддизм фалсафаси, иккинчи томондан эса символизмга мурожаат мавжуд.

Мен – дарёнинг кечув жойидаги қайикман,
Сен эса – менинг йўловчимсан,
Сени, елкамда ифлос бошмоқли инсонни,
Мен дарёдан олиб ўтаман...

(«Daryoning kechuv joyidagi qayiq»)

Шеърда муаллифнинг асосий эътибори буддизм ғояси тимсоллари воситасига қаратилган. Шоир дарёнинг кечув жойидаги қайик ўрнида ўзини тасаввур қилади ва дунёни қутқараётган бодхисатва сифатида тушунади. Хан Ён Ун метафоранинг муайян тури – жонлантириш, яъни жонли нарсанинг хоссаларини жонсиз нарсага кўчиши («қайик – бодхисатва»)ни қўллайди. Бу ерда буддизм анъанаси ўрта асрларда кенг тарқалган таркидунёчилик кайфиятини англатади. Шакл жиҳатдан ўзгарган шеърятда мазмун ўхшашлиги кузатилади.

Бу фоний дунёни тарк эт, дейди у.
Шунда мен интилишга эришган бўлар эдим.
Шу сабабли бошпана қуриш-чун тошларни йўндим.
Қудук қазиш учун тошларни кесдим.
Булутларни меҳмон сифат қабул қиламан.
Улар эркин: келади, кетади.
Ой эса, баайни соқчи янглиғ,
Бамбук эшик узра бедор ялтирайди.
Қушлар кўшиғи – менинг мусиқам.

Қарағайлар шохини силкитаётган шамол – менинг шеърим,

Ва улар кўшиқ қилиб куйланади
Қадим замонлардан бери (...).
(«Зохид кўшиғи»).

Хан Ён Ун шеърляти – замонавий корейс шеърлятида бетакрор ходиса. 26-ёшида таркидунёчилик йўлини танлаган ва будда роҳибни рутбасини кийган шоир шеърлятида миллий адабий анъана, буддизм оҳанги ва Европа адабиёти таъсири уйғунлашиб кетган. Аммо роҳиблик мақоми шоирни жамият ҳаётидан, кундалик муаммолардан узоқлашиб кетишига асло йўл қўймади.

Истибдод даврида яшаб ижод қилган шоир ҳаёти давомида оғир дамлар, чуқур руҳий изтироблар ва инқирозларга учради. Аммо шоир бундан руҳи чўкмади, айрим замондош шоирлари каби ўз жонига қасд қилмади. Шу билан бирга шеърларида акс эттирилган ғам-қайғу келажакка умид ишончи билан суғорилди. Шеърларидаги энг ғамгин сатрларда ҳам юксак ва гўзал туйғулар нафаси сезилади. Эзгуликка интилиш, ҳаёт гўзаллиги, инсонга бўлган муҳаббат-ишонч, руҳлантирувчи пафос Хан Ён Ун ижодининг бош мезони ҳисобланади.

1931-йили шоирнинг буддизм фалсафасига бағишланган асарлари чоп эттирилди. Бу шоирнинг назм билан бир қаторда насрда қалам тебрата бошлаганидан далолат беради. Хан Ён Ун ижодий фаолиятига Шарқ адаблари, айниқса, Рабиндранат Тагор ижоди кучли таъсир кўрсатди.

«Буюк ҳинд ёзувчиси ва мутафаккири Рабиндранат Тагор ижоди билан Хан Ён Уннинг танишуви 1914-йили корейс тилида чоп этилган «Жаҳоннинг буюк шоири, инсонпарвари ва файласуфи Тагор ҳаёти» китобидан бошланди. Сўнг, 1917-1925-йиллар оралиғида Кореяда Тагорнинг шеърӣ, насрий асарлари, драмалари ва мақолалари таржималари жамланган бир нечта китоб чоп этилди».

Корея ва Узоқ Шарқнинг бошқа мамлакатларида тагор ижодига қизиқишнинг кучайиши унинг Япония ва Хитойга ташриф билан боғлиқ. Тагор Японияга уч маротаба (1916, 1924 ва 1929-йиллари) ташриф буюрди. Айрим сабабларга кўра, Тагор Кореяга ташриф буюрмади:

Тагорнинг фалсафӣй ғоялари, асарларидаги инсонпарварлик руҳи корейс шоирлари, хусусан, Хан Ён Ун эътиборини ўзига тортди, айна ҳол мамлакатдаги ижтимоий вазият билан чамбарчас боғлиқ.

Тагорнинг кувонч, инсонга ҳамдарлик ва муҳаббат руҳи билан суғорилган, инсон ҳаёти қадри ҳақидаги ғоялари ўз ифодасини топган шеърлари умидсизлик ва тушкунлик даврида ўзига хос юпанч вазифасини

ўтади. Бу оғир дамларда шоир шеърляти хаётга бўлган мухаббатнинг сўнмаслигига, инсоннинг ер юзида мавжудлиги моҳиятини англаб етишига кўмаклашган.

Хан Ён Ун инсонпарвар Тагорнинг мана шундай шеърларини корейс тилига таржима қилди, ўзи ҳам унинг ғоялари таъсирида ижод қилди. Тагор шеърляти таъсири корейс шоирининг севги лирикасида бўртиб намоён бўлди.

Севгини ўз номи билан аташ – бошқа севмаслик демак.
Азоб чекаётганда кулаётган лаб – атиргулни қимтиш мумкинми?
Куз сувларининг кўзларида ғам-ҳасрат зулматини акс эттириш
Ва ёшли кўзлар оша тикилиш мумкинми?
Мухаббат – бу қоп-қора бўлмаган булутлар ортидаги,
Сукунат оғушидаги тоғлар устидаги,
Ҳад-худудсиз, ўтиб бўлмас тасаввур денгизи устидаги ҳодиса...
(«Севги моҳияти»).

Шоир қаламига мансуб шеър унинг ижодий чўққиси ҳисобланади, у жавобсиз мухаббат кечинмалари дунёсини акс эттиради, бадий тасаввурини фалсафий талқин билан уйғунлаштиради. Шоир лирикаси – мухаббат мадҳияси, илоҳийлаштирувчи манбаи. Илоҳий ҳодиса севгини англаш ва ўлчаш мумкин эмас. Уни бировнинг қалбига солиш ёки таъқиқлашнинг ҳам имкони йўқ.

Тагор ғоялари ва ижоди таъсири шоирлар дунёқараши, дунё ҳақидаги тасаввурлари, шеърини услубнинг ўхшашлигида намоён бўлди. Ҳинд шоири учун инсон, табиат, илоҳийлик – бу яхлит ва бутун бир ҳодиса: «Мен дунёни фақат ташқи кўзларим билан узоқ кузатдим ва унинг қувонч билан йўғрилган қиёфасини кўрмадим, қалбимнинг теран қатламларидан эзгулик нури кўққисдан сиртга отилиб чиққач, у менга бутун дунёни ёритди ва шундан бери бу дунё менга сон-саноксиз нарсалар ва ҳодисалар уюми бўлиб кўринмай қўйди, балки қаршимда яхлит ва бир бутун ҳодиса сифатида гавдаланди» .

Корейс шоири эса илоҳий моҳият табиат ва инсон билан узвий деб ҳисоблайди. Шу сабабли уларнинг ажралмаслиги ғояси шоир ижодининг бош мезони ҳисобланади ва унинг фалсафий лирикаси ўзагини ташкил этади. Тагор ва Хан Ён Ун ижодини дунёнинг маънавий асоси ҳақидаги ягона тасаввур бирлаштиради. Мазкур асос онга эга универсал жон ҳисобланади ва борлиқнинг негизини ташкил этади.

Корейс шоири шеърляти мазмун жиҳатдан кенг, тафаккур мезонига кўра чуқур ва ўз бадий услубига кўра бетакрор. Хан Ён Уннинг фалсафий лирикаси

хаёт мазмуни ҳақида теран мулоҳазалар ва тафаккурнинг фаоллиги билан тавсифланади.

Мен бу тун ухлай олмайман. Сукунат оғушидаги тун,
Олов тиллари кўзларни силаб, мудроқ онгни аллалаяпди.

Аммо тун узун, каминда олов ўчади,

Фақат кул қолади...

Менинг муҳаббатим – ҳатто тунда ҳам ўчмайдиган олов.

(«Сукунат оғушидаги тун»).

Шеър бутун тирикликка нисбатан раҳм-шавқат, меҳрибонлик ва ҳамдардлик, иноснийлик руҳи билан суғорилган. Бу шоир шеърятининг моҳиятини, теран асосини ташкил этади. Шоир талқинида севгининг мавжуд бўлмаслиги инсон ҳаётининг маънавий гўзаллигини инкор этадиган қалб қашшоқлигига айланади. Азоб-укубат ва оғриқ келтирадиган дунёвий муҳаббат, Хан Ён Ун фикрига кўра, инсон учун бахт-саодатга, «ҳеч қачон ўчмайдиган олов»га айланади.

Менинг кўзларимга қараётган бўлсангиз, нега куласиз,

Сизнинг хўмрайган юзингизни кўришни истардим...

Сизга қараб туриб, хўмрайган юзингиз менга ёқишини

Тушунаман. Аммо Сизга бу ёқмайди ва Сиз буни яхши биласиз

(«Сиз»).

Хан Ён Уннинг «Сиз» шеъри билан Тагор шеърятдаги романтик алоқа сезилади, зеро, шеър мисралари мажозга бой, бу корейс анъанавий шеърятига хос хусусият эмас. Шоир беҳуда шовқинли дунёда паноҳ изламайди, у муҳаббатга талпинади. Бу қарама-қарши вакилга эмас, дунёвий муҳаббатга ишора. Шоир таъкидлаганидек, «Менинг севгилим, фақат менинг севгим эмас, балки мен эришишга интилган барча нарсалардир».

Корейс шоири Хан Ён Ун ўзи тасвирлаётган дунё қувончини китобхон билан ўртоқлашади. Ҳаётнинг тўлақонлиги ва гўзаллиги туйғусини унинг қалбига жойлаштиришга ҳаракат қилади. Бир қарашда бахтга тўла шеърларнинг тераз мазмунида қандайдир сирли оғриқ мавжуд. Бу ҳаёт гўзаллиги, инсон бахтининг олий қиммати ҳақидаги таассуротларни кучайтиради. Инсон бахти ҳақида орзу, бахт қўлга тушмас қуш, бахтга эришиш мушкул, бахт омонат нарса, натижада изтироб бахтни олиб кетиши – буларнинг барчаси Хан Ён Ун шеърятининг асосий мазмун-моҳиятини, хусусиятини, табиатини белгилайди.

Замонавий корейс шеърляти мураккаб тарихий давр шароитларида ривожланди. Бу корейс жамияти чуқур маънавий инқиروزга юз тутган давр эди. Мустамлакачи маъмурларнинг мафкуравий хуружи энг аввало ижод аҳлига қаратилган эди. Корейс халқи миллий руҳи, унинг ўзлиги, шаъни ва қадр-қиммати қадрсизланишига жавобан юксак даражадаги шеърлят шаклланди. Замонавий корейс шеърляти япон, рус ва Европа адабиётидан таъсирланди. Анъанавийликни давом эттирган корейс шеърляти ўзида янги сифат ўзгаришларни мужассамлаштирди. Анъанавий шеърлят жадал ривожланиш билан бирга модернизм, символизм, романтизм йўналишларида юксакликларга эришди.

Мазкур давр корейс шоирлари Ғарб, Осиё фалсафаси билан танишиш, адабий йўналишларнинг назарий асосларини англаб етиш орқали Европа адабиёти поэтикаси ютуқларини ўз заминига кўчирди, шу тариқа корейс шеърляти поэтикаси анъаналарини бойитишга ҳаракат қилдилар.

Миллат адабиётни янги мазмун, янги бадий воситалар билан бойитиш билан бир қаторда, мамлакатининг ватанпарвари сифатида майдонга чиққан истеъдодли ижодкорлар орасида Хан Ён Ун алоҳида ўрин эгаллайди.

Хан Ён Ун ҳаёт тажрибаси, мактаби, будда таълим муассасаларида ўзлаштирган билимларига асосланган ўз ҳаёт фалсафасига эга ижодкор. Таркидунёчилик йўлини танлаган, роҳиблик рутбасини кийган шоир руҳий инқиروزга тушмади.

Хан Ён Ун шеърляти икки омилга – буддизм фалсафаси ва символизмга асосланади. Шоир шеърляти муаллифнинг воқеликка бўлган муносабатини англаш имконини беради. Символизм, романтизм йўналишларида ижод қилиш жараёнида шоир анъанавий корейс миллий шеърлятига жонлантириш ва аллегорияни киритди. Хан Ён Ун шеърлятида ҳинд мутафаккири Тагорга хос инсонпарварлик ғоялари уфуриб туради.

REFERENCES

1. Аманова Г.А. Корейская поэзия 20-х – 40-х гг. XX в. М., 2007.
2. Блок А. Собр.соч. в 8-ми томах, Т.8, М., 1963.
3. Галкина Л.В. Корейская поэзия 20-х годов XX века. – Владивосток, 1988.
4. Рабиндранат Тагор. Жизнь и творчество. – М., 1986.
5. Zamonaviy koreys she'riyati antologiyasi. –Т.: “Istiqlol nashriyoti”, 2014.